Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 28 МАРТ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 65 (13.128)

Баҳоси эркин нархда

ШҲТ:

ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Бугунги кунда Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилмоқда. Мамлакатимизда ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлиси ҳамда ушбу нуфузли анжуман доирасидаги бошқа тадбирларни юқори савияда ўтказиш учун қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Бу масъулиятли вазифа ШҲТ ташкил топганининг 15 йиллигига тўғри келганида чуқур рамзий маъно бор. Зеро, мамлакатимизнинг раислиги даврида амалга оширилган кенг кўламли ва изчил ишлар ушбу тузилма нуфузини юксалтириш, унинг фаолиятини такомиллаштириш, минтақада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замонда долзарб муаммоларни ҳал қилишда, хавфсизлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашда ШҲТнинг роли ва таъсири ошиб бормоқда. Бунда ташкилот саммитларида ШҲТга аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар соҳаларда самарали ҳамкорликни ривожлантириш, минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

ШҲТнинг 2010 йил 11 июнь куни Тошкентда ўтган ўнинчи мажлиси мазкур масалалар кенг муҳокама этилгани билан ШҲТ тарихидан муносиб ўрин олган. Унда ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари, кузатувчи ва Ўзбекистон томони таклиф этган давлатлар вакилларидан ташқари, БМТ, МДҲ ва бошқа халқаро ташкилотлардан юқори мартабали вакиллар қатнашган.

Саммит кун тартибидан ШҲТ ва унинг органлари фаолиятини такомиллаштириш, ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни янада ривожлантириш, терроризм, диний экстремизм ва айирмачиликка, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига, оммавий қирғин қуролларининг тарқалишига қарши биргаликда курашиш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари, Афғонистондаги вазият ўрин олган эди.

Президентимиз Ислом Каримов ушбу саммитдаги нутқида ШҲТни ривожлантириш ва халқаро майдондаги нуфузини юксалтириш бўйича, ташкилотнинг бош мақсадлари – тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга, ШҲТ давлатларининг барқарор иқтисодий тараққиётини таъминлашга, гуманитар ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорлигини кенгайтиришга эришиш йўлида ташкилотнинг роли ва имкониятларини ошириш борасида чуқур ўйланган, қатъий ва аниқ мақсадларга йўналтирилган жараён давом этаётганини алоҳида таъкидлади.

Халқаро ташкилотлар билан шериклик алоқаларининг ўрнатилиши ШҲТ ривожида муҳим босқич бўлди. 2010 йил апрель ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Муннинг мамлакатимизга ташрифи чоғида имзоланган ШҲТ ва БМТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг мазкур глобал тузилма билан ўзаро алоқаларига пойдевор қўйган муҳим ҳужжат бўлди.

Глобаллашув ва турли таҳдидлар кучайган ҳозирги замонда ҳеч бир муаммони алоҳида бир давлатнинг саъй-ҳаракати билан ечиб бўлмайди. Шу маънода, ШҲТ билан БМТ ўртасидаги ҳамкорлик икки томон учун ҳам муҳим масалаларни ечишда баҳамжиҳат ҳаракат қилишга кенг йўл очди. БМТнинг Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси, Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси каби тузилмалари ШҲТ билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, ШҲТ учун транспорт коммуникацияларини ривожлантириш устувор масалалардан саналади. Бу борада "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси имкониятларидан самарали фойдаланилмоқда. Марказий Осиёда янги қўшма лойиҳалар амалга оширилгани, ишлаб чиқариш корхоналари, автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти коммуникацияларини барпо этиш кўпайгани сайин ШҲТ мамлакатлари учун "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасининг аҳамияти ортиб бораверади.

Бугунги кунда нафақат хомашё етиштириш ва қайта ишлаш, балки юқори технологиялар, юксак даражада қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш барқарор ривожланишнинг муҳим омилларидандир. Мамлакатимиз бу борада қўшма лойиҳалар тузиш ва уларни ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР ГАРОВИ

Инсон саломатлигини сақлашда у истеъмол қиладиган маҳсулотлар муҳим аҳамият касб этади. Организм учун зарур бўлган моддаларни ўз вақтида ва меъёрида тановул қилиш соғликни тиклаш ҳамда мия фаолиятининг яхши ишлашига хизмат қилади.

Биз истеъмол қиладиган озиқ-овқатлар орасида сут ва сут маҳсулотлари инсон учун энг фойдали озиқ моддаларидан бири ҳисобланар экан. Таомномамизда бу маҳсулотларнинг бўлиши соғлик билан боғлиқ кўплаб муаммоларнинг олдини оларкан. Чунки бу маҳсулотлар таркибида ҳаёт учун муҳим бўлган кўплаб элементлар – 20 та витамин, кальций, темир, селен, фосфор ва ёғ моддалари мавжуд.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка берилаётган эътибор натижасида сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар сони кўпайиб бормоқда. Улар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар аҳоли талабига мос келаётир. Ана шундай корхоналардан бири пойтахтимизнинг Учтепа туманида фаолият олиб бораётган "Gerfed Impeks" масъулияти чекланган жамиятидир.

Тумандаги йирик ишлаб чиқариш субъектларидан бири бўлган мазкур корхона 2007 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда "Musaffo sut" савдо белгиси остида ёғлилик даражаси 1, 2, 2,5, 3,2, 4 фоизли бўлган қадоқланган сут маҳсулотлари тайёрланмоқда.

(Давоми 2-бетда)



ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Хабар қилинганидек, жорий йилнинг 25 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси томонидан "Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асослари" мавзусида видео-мулоқот шаклида семинар ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Сенати Кенгаши Комиссияси аъзолари, онлайн режимида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ташкилий-назорат гуруҳларининг раҳбарлари, фуқаролар йиғинларида сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри комиссиялари раислари ва аъзолари, ушбу комиссиялар ҳузурида ташкил этилган ахборот хизматлари раҳбарлари, туман ва шаҳар комиссиялари, "Маҳалла" фондининг ҳудудий бўлимлари раислари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинарни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раисининг ўринбосари, Олий Мажлис Сенати раисининг ўринбосари С.Ортиқова олиб борди.

Шу йилнинг май-июнь ойларида фуқаролар йиғинларининг амалдаги раислари ва улар маслаҳатчиларининг ваколат муддати тугайди. Шу муносабат билан "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг шу йил 5 мартда қабул қилинган қарори рўёбга чиқарилишини таъминлаш мақсадида бўлғуси муҳим тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди. Жойларда бўлажак сайловнинг ошкоралик, муқобиллик ва тенг сайлаш ҳуқуқи принциплари асосида ўтиши учун барча чоралар кўрилаётир. Хусусан, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлар шакллантирилмоқда, улар учун зарур шарт-шароит ва қулайлик яратилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши Комиссиясининг аъзолари томонидан таъкидланганидек, сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш бўйича энг муҳим талаблар ва аниқ мақсадга қаратилган вазифалар – фуқаролар йиғинлари органларини шакллантиришда кенг иштирок этиш бўйича фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқариш учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишдан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайлов жараёнининг барча иштирокчилари томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя этилишини таъминлашдан, фуқароларни фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар, уларнинг иш ҳамда ахлоқий фазилатлари билан ҳар томонлама таништиришдан иборатдир.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сунгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Фарғонада ўтказилган IX Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ҳудудий ярмаркасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари ҳамда бошқа илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик муассасаларининг 200 дан ортиқ инновацион технология, ишланма ва лойиҳалари намойиш этилди.**

● **Самарқандда "Соғлом оила" оилавий спорт мусобақаларининг минтақавий финал босқичи ўтказилди. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси юзасидан Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларидан олти оилавий жамоа иштирок этди.**

● **Термизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сурхондарё вилояти кенгаши томонидан "Юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашга ҳар биримиз масъулмиз" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. "Биз – тинчликсевар сиёсат, озодлик, бунёдкорлик, яратувчанлик тарафдоримиз!" шиори остида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлими, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва жамоат ташкилотлари вакиллари, партия фаоллари, ёшлар иштирок этди.**

ЖАҲОНДА

● **Покистоннинг Лахор шаҳрида амалга оширилган йирик террорчилик ҳаракати қурбонларининг сони 69 кишига етди, тан жароҳати олганларнинг сони эса 300 тадан ошиб кетди.**

● **Буюк Британиянинг "Hybrid Air Vehicles" компанияси дунёдаги энг катта ҳаво кемаси ҳисобланмиш "Airlander-10" дирижаблини тайёрлаб, намойишга қўйди. Дирижаблнинг узунлиги 92 метр, тезлиги соатига 150 километрни ташкил этиб, ундан сайёҳлик ҳамда юк ташиш мақсадларида фойдаланиш мумкин. Энг муҳими, дирижабл ҳар қандай жойга — муз, қум ва сув устига ҳам қўна олади. Дирижаблнинг дастлабки синов парвозини яқин ойларда амалга ошириш режалаштирилган.**

● **Калифорния университети олимлари Android-смартфонлар учун зилзиладан огоҳлантирувчи янги илова ишлаб чиқишди. MyShake деб аталувчи илова хатарли ҳодисанинг илк аломатларини аниқлаши билан, ўз фойдаланувчисини хабардор қилади ва хавфсизлик чораларини кўришга ундайди.**

Бугунги кунда бутун жаҳонда ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш, электр энергиясидан оқилона ва самарали фойдаланиш, кам харажат эвазига кўп маҳсулот ишлаб чиқариш долзарб масалалардан бири эканлигига эътибор қаратилган. Шундай экан мамлакатимиздаги йирик ишлаб чиқариш ва унга тенглаштирилган корхоналарда юқоридаги вазифаларни бажариш учун билимли ва малакали мутахассислар зарур.

ЭЛЕКТР ХЎЖАЛИГИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ОМИЛЛАРИ

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг қарори асосида Тошкент шаҳридаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятида "Ўздавэнергоназорат" инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими томонидан ўтказилаётган режали текширишлар давомида тадбиркорлик субъектларида электр хўжалиги учун жавобгар шахс мавжуд эмаслиги ёки мавжуд бўлган тақдирда ҳам жавобгар шахс "Истеъмолчилар электр ускуналарини эксплуатация қилиш қоидалари ва истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари" асосида билим синовидан ўтмаганлиги аниқланмоқда.

Ўтказилаётган режали текширишлар натижасида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан электр энергиясидан нооқилона фойдаланиш ҳолатлари, электр қурилмаларни белгиланган қоидалар талабларига жавоб бермайдиган қониқарсиз техник ҳолатлари аниқланиб, ушбу электр қурилмалар электр тармоқларидан узиб қўйилмоқда. Айнан шу ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир корхонада "Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари"нинг 11 банди талабига асосан корхонада электр хўжалик бўйича жавобгар шахс тайинланиши лозим.

Қоида талабларида электр хўжалиги бўйича жавобгар шахснинг асосий вазифалари, булар электр ва иссиқлик энергиясини иқтисод қилиш, корхонада мавжуд қурилмаларни янги замонавий технологияга мос ускуналар билан алмаштириш ишларида қатнашиш, ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш, шунингдек, электр ва иссиқлик энергиясининг заҳираларини аниқлаш бўйича тадбирлар тузиш, маҳсулот бирлигига сарф бўладиган электр ва иссиқлик энергиясини солиштирма меъёрларини ишлаб чиқишда қатнашиш, электр ва иссиқлик энергияси истеъмоли ҳисоботларини тайёрлаш ҳамда электр қурилмаларни белгиланган қоидалар талабларига жавоб берадиган техник ҳолатда сақлаб туришдан иборатдир.

Юқорида келтирилган маълумотларни инобатга олган ҳолда, тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ўз корхоналарида электр хўжалиги бўйича малакали жавобгар шахс тайинлашлари лозимлигини кўрсатиб ўтмоқдамиз. Бу билан хўжалик юритувчи субъектларда юзага келиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодиса, авария ва ёнғин тушиши каби ҳолатларнинг олди олинади.

К.МИРКОМИЛОВА,
"Ўздавэнергоназорат" инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими инспектори

ШҲТ:

ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг 2010 йилги Тошкент саммитида мазкур масалалар, шунингдек, молия муассасалари, банклар, биржалар ўртасидаги ҳамкорлик ва ахборот алмашувини ривожлантириш борасидаги ишлар ҳам кўриб чиқилди. Минтақавий ҳамкорлик кўламини кенгайтириш мақсадида савдо-иқтисодий муносабатлар ривожига тўсиқ бўлаётган омилларни бартараф этиш, бизнес субъектлари ўртасида бевосита алоқаларни кенг қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш юзасидан фикр алмашилди. Транспорт коммуникациялари, агросаноат, юқори технологиялар соҳаларида сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш устувор йўналишлардан экани таъкидланди.

ШҲТ доирасида кўп томонлама ҳамкорлик стратегияси ва унинг устувор йўналишлари, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини юмшатиш ва оқибатларини бартараф этиш, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари, шунингдек, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар саммит иштирокчиларининг диққат марказида бўлди. Унда ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари билан бирга, кузатувчи мақомидаги мамлакатлар делегациялари раҳбарлари, халқаро ташкилотларнинг вакиллари қатнашгани бу масалаларнинг нақадар муҳим эканидан далолат беради.

Мажлисда Марказий Осиё минтақасидаги вазият, хавфсизлик масалалари, жумладан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот хуружларига қарши биргаликда курашиш муаммолари ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Саммитда ШҲТнинг Тошкент декларацияси қабул қилинди, ШҲТга янги аъзолар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда ташкилот процедуралари қоидалари тасдиқланди. Бу ҳужжатлар ташкилотнинг ва унга аъзо давлатларнинг ривожланишида бирдек муҳимдир.

Ўзбекистоннинг ШҲТни ривожлантириш стратегиясини белгилашдаги ҳамда халқаро сиёсатга оид кўплаб масалалар бўйича фаол позицияси юксак самаралар бермоқда. Хусусан, ШҲТнинг 2010 йилги Тошкент саммити муваффақиятли ўтишида Ўзбекистоннинг раис сифатидаги фаолияти муҳим омил бўлди. Бу даврда Ўзбекистон ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш, ташкилотнинг халқаро мавқеини юксалтириш борасида улкан ишларни амалга оширди. Бу ШҲТ аъзолари томонидан эътироф этилди.

Умуман айтганда, мамлакатимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги ташкилотни ривожлантириш ва унинг халқаро майдондаги нуфузини янада юксалтиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу ШҲТга аъзо давлатларнинг минтақада тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва янги босқичга олиб чиқишда муҳим омилдир.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎзА шарҳловчиси

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР ГАРОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Ишлаб чиқаришда биз фақат табиий сутдан фойдаланамиз, – дейди корхона раҳбари Алишер Жўраев. – Иш жараёнида ҳар бир хом ашё сифатига катта эътибор қаратилади, чунки озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда бу жуда муҳим. Қилинган кичик хато ҳам халқимиз соғлиғига зарар етказиши мумкин. Давлатимиз томонидан тадбиркорлар учун кўплаб имкониятлар яратилмоқда. Биз ҳам улардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришга янгиликлар киритиш, маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга ҳаракат қилмоқдамиз. Корхонамизда Швециянинг "TETRO PAK" фирмасида ишлаб чиқарилган замонавий дастгоҳлар ўрнатилган. Шунингдек, 2015 йилда Россия ва Германия давлатларидан янги технологияларни олиб келдик.

40 нафар ишчи-ходим меҳнат қилаётган "Gerfed Impeks" масъулияти чекланган жамиятида ўтган йили 3,5 минг тонна сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу эса олдинги йилларга қараганда икки марта кўп демакдир.

Корхонанинг "Musaffo sut" бренди остидаги маҳсулотларига талаб анча юқори бўлмоқда. Жамият аъзолари маҳсулотларини қўшни давлатларга экспорт қилишни йўлга қўйиш мақсадида чет давлатларнинг бозорларини ўрганиб чиқишди. Айни кунларда Афғонистон, Қирғизистон ва Қозоғистон каби мамлакатларга маҳсулотларимизни экспорт қилмоқдамиз.

– Жорий йилда жаҳон стандартларига жавоб берадиган замонавий технологияларни ўрнатишни режалаштирганмиз, – дея сўзини давом эттирди Алишер ака. – Бунинг натижасида бир қатор янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятига эга бўламиз. Шунингдек, экспорт салоҳиятимиз ҳам ортиб, бир қатор бўш иш ўринлари яратилади.

2016 йилнинг мамлакатимизда "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши муносабати билан корхона мутахассислари малакали тиббиёт ходимлари билан биргаликда мактабгача таълим муассасалари, мактаб, коллежлар ҳамда қариялар уйи, меҳрибонлик уйлари, касалхоналарда соғлом турмуш тарзига бағишланган тадбирлар ўтказишни мўлжалламоқдалар. Бундан ташқари, сут ва сут маҳсулотларининг фойдали жиҳатларини тушунтиришга қаратилган давра суҳбатлари, харидорларнинг маҳсулот танлаш дидини оширишга бағишланган акциялар ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

Абдуалим САЛИМОВ

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги давом этмоқда

Ободлик, гўзаллик бор жойда хотиржамлик, қут-барака бўлади. Улардан баҳра олган инсоннинг саломатлиги мустаҳкамланиб, умрига умр қўшилади. Қалбида эзгу ва хайрли ишларга рағбат ортади.





ГУЛЛАР — ГЎЗАЛЛИК, ОБОДЛИК ТИМСОЛИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 4 мартдаги фармойишига мувофиқ ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги доирасида пойтахтимизда амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари самарасида кўчалар ёқалари, боғлару хиёбонларга экилаётган анвойи гулларга боққан ҳар бир кишининг кўнглидан ана шундай ўйлар ўтади. Меҳр билан гул экаётган, ўстираётган инсонлар қалби ҳам ўша гуллар каби нафис, кўркам экани ҳақида ўйлайсиз...

Ўн тўрт йилдан буён турфа гул кўчатларини етиштириш билан шуғулланиб келаётган қибрайлик тадбиркор Абдулла Шукуров билан суҳбатлашганимда бунга яна бир бор амин бўлдим.

– Гуллар – гўзаллик, ободлик тимсолидир, – дейди ЎзА мухбирига тадбиркор. – Улар кўзни қувонтириб қолмай, атрофга тароват бағишлайди. Ўн беш сотихли иссиқхонада халқимиз ҳовлиларини азалдан безаб турган райҳон, жамбил билан бирга, чет давлатлардан шафран, петуния, сальвия, бананза, колус сингари маҳаллий иқлим шароитимизга мос гул уруғлари келтириб, ўстираяпмиз. Уларни бозорларга чиқараяпмиз, буюртма асосида турли ташкилотларга етказиб бераяпмиз. Кўчаю хиёбонларда, ташкилотлар бинолари атрофида барқ уриб турган гулларни кўрсам, хурсандлигим ичимга сиғмай кетади. Халқимизнинг гулни, гўзалликни севишидан, қадрлашидан чексиз фахр туяман.

Фаровонликка интилиш, ўзи яшаётган жойни гўзал, файзли ва сариштa қилиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган эзгу фазилатлардан. Бу қадриятлар истиқлол йилларида янгича маъномазмун билан бойиди. Президентимиз раҳнамолигида шаҳар ва қишлоқларимизни обод қилиш, атроф-муҳит мусаффолиги ва экологик барқарорликни таъминлаш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Ватанимизнинг бош шаҳри – Тошкентда ҳам халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, маънавий қарашлари, замонавий жаҳон шаҳарсозлик ва миллий меъморлик анъаналарини ўзида мужассам этган бетимсол қурилиш-ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Кенг ва равон йўллар, сариштa кўчалар, маҳобатли бинолар, сўлим хиёбонлар, кўркам майдон ва боғлар пойтахтимизга ўзгача чирой бахш этмоқда.

Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси томонидан ҳар йили йўл четлари, хиёбонлар, истироҳат боғларига 3 миллионга яқин мавсумий гуллар экилмоқда.

Маълумотларга кўра, кейинги ўн йилда пойтахтимизда дарахт кўчатлари экиш ҳисобидан 40 гектардан зиёд майдонда хиёбонлар, истироҳат боғлари барпо этилган. 7,5 гектар асфальт қопламаси ўрнида дам олиш масканлари барпо этилиб, гуллар ва майса экилган. Айни вақтда пойтахтимиз умумий майдонининг қарийб 40 фоизини яшил майдонлар ташкил этади.

Бугун Тошкентда яшовчи ҳар бир кишига қарийб 70 квадрат метр яшил майдон тўғри келаётгани, бу Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти меъёридан анча юқори экани пойтахтимизнинг нақадар сўлим гўшага айлангани, халқимизнинг дам олиши ва яшаши учун кенг қулайликлар яратилгани ифодасидир.

– Пойтахтимиз ободлигида бизнинг ҳам ҳиссамиз борлигидан хурсандмиз, – дейди А.Шукуров. – Юртимиз иқлими хушҳаво, тупроғи унумдор. Баҳорда чўп суқсанг, кузда бўйинг қадар ниҳолга айланади. Кўчалар, хиёбонлар, маҳаллаларимиз, ҳовлиларимизга ноёб гул кўчатлари экаётганимиз узукка кўз қўйгандек ярашмоқда.

Тадбиркор бир-бири билан ҳусн талашган гулларга эринмай таъриф беради. Уларни етиштиришдаги тажрибалари, изланишлари яхши самара бераётгани ҳақида тўлқинланиб сўзлайди. Беихтиёр барқ уриб ўсаётган гуллар жозибасига мафтун бўласиз, она заминимизнинг бебаҳо саховати, мўъжизакор қудратига таҳсин ўқийсиз. Гўзалликка ошно инсонлар меҳнати, фидокорлиги билан юртимиз янада обод ва кўркам бўлиб бораётганидан қалбингиз фахрифтихорга тўлади.

Дилшод КАРИМОВ

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Фуқаролар йиғинлари раислари ва улар маслаҳатчиларининг бўлғуси сайлови давлат ва жамият қурилишининг барча жиҳатларини демократлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнлари чуқурлаштирилиши билан ифодаланадиган сифат жиҳатидан янги социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шароитларда ўтиши таъкидланди.

Ҳозирги вақтга келиб, Фуқаролар йиғинларида сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман ва шаҳар комиссиялари тузилди.

Семинар чоғида иштирокчилар сайловга тайёргарлик кўришнинг барча босқичлари тўғрисида тўлиқ ахборот ва тушунтириш олди. Олий Мажлис Сенати Кенгаши Комиссияси аъзоларининг чиқишларида сайловнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларига алоҳида эътибор қаратилди. Фуқаролар йиғинларида сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлар олдида турган вазифалар кўриб чиқилди ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб олинди. Хусусан, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш масаласи бўйича аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориш, фуқароларнинг ушбу жараён юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш, шаҳарча, қишлоқ ва овуллардаги ҳовли, уй, кўча ва маҳаллалар фуқароларининг вакиллик нормаларини белгилаш уларнинг ваколатларига киради.

Семинарда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимига муносиб номзодларни кўрсатиш муҳимлиги айтилди. Мамлакатимиз бўйича 9764 нафар фуқаролар йиғинлари раисини, шунингдек, уларнинг 99 мингдан зиёд маслаҳатчиси сайловини муносиб даражада ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари кўмагининг аҳамияти таъкидланди.

Амалий ва ишчанлик руҳида кечган мулоқот чоғида тадбир иштирокчилари аҳолини, хусусан, ёшларни ва аёлларни сайлов жараёнига кенг жалб қилиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ва ҳуқуқий билимларини ошириш чораларини кўриш масалаларини муҳокама қилди. Бунда ҳудудий комиссиялар ҳузурида ташкил этилган ҳамда сайлов жараёнини ташкил этиш ва ўтказишнинг барча босқичларини ёритиб боришга масъул бўлган ахборот хизматлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари шубҳасиз муҳим роль ўйнаши зарур. Айни пайтда, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича тадбирлар режасини изчил ижро этиш мақсадида 2016 йилнинг май-июнь ойларида ўтказиладиган сайловнинг барча босқичлари изчил ёритилишини таъминлаш учун журналистларнинг билимларини мустаҳкамлаш бўйича минтақавий семинарлар ўтказилмоқда.

Сенаторлар, Сенат Кенгаши Комиссияси аъзолари семинар иштирокчиларининг кўплаб саволларига жавоб берди. Тадбирлар режасига мувофиқ ҳудудий кўмаклашувчи комиссиялар ҳамда ишчи гуруҳлар аъзолари, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокидаги бундай тадбирларни республикамиздаги барча туман ва шаҳарларда ўтказиш режалаштирилмоқда.

Семинар иштирокчилари фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ муносиб даражада ўтказилишига ишонч билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси

Корпоратив бошқарув — замон талаби

АКЦИЯДОРЛАР ТАЖРИБА АЛМАШДИ

Пойтахтимиздаги "Lotte City Hotel Tashkent Palace" меҳмонхонасида акциядорлар корпоратив бошқарув усуллари бўйича тажриба алмашди.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 24 апрелдаги фармонига мувофиқ мамлакатимиз акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув усуллари жорий этилмоқда. Бу улар фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбир иштирокчилари Жанубий кореялик инвесторлар томонидан бошқарилаётган пойтахтимиздаги "Lotte City Hotel Tashkent Palace"да татбиқ қилинган корпоратив бошқарув тизими билан яқиндан танишди.

"Lotte City Hotel Tashkent Palace" меҳмонхонаси юртдошларимиз ва хорижлик сайёҳларга яхши таниш. Бу меҳмонхона Жанубий Кореянинг "Lotte" компанияси томонидан халқаро талабларга мувофиқ модернизация қилиниб, замонавий жиҳозланди. Корпоратив бошқарув тизимининг татбиқ қилиниши корхона фаолиятини янада ривожлантирди.

– Меҳмонхонамизда ишни ташкил қилиш, мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича дунё тажрибасидаги самарали тизим, соҳадаги энг сўнгги янгиликлар жорий этилган, – дейди мазкур корхона бош менежери Ли Жонг Рок. – 232 кишига мўлжалланган қулай ва шинам хоналар меҳмонларга мунтазир. Учта ресторан, бар, бизнес учрашувлар ва халқаро тадбирларни ўтказишга мўлжалланган анжуманлар зали фаолият юритмоқда.

Тадбир иштирокчиларини қизиқтирган саволларга менежерлар жавоб қайтарди.

С.ШОЕВА,
ЎзА мухбири

МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳамкорлигида "Миллий ва умуминсоний маданиятлар уйғунлиги: назария ва амалиёт" мавзуида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

Миллий университет ректори Ш.Сирожиддинов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида жисмонан соғлом, маънан етук авлодни тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини юксалтириш, иқтидорли, изланувчан ёшларни қўллаб-қувватлаш ва муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Глобаллашув даврида миллий ва умуминсоний қадриятларга ёт ғояларга қарши ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, бой тарихимиз ва миллий қадриятларимизни, буюк аждодларимизнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган илмий изланишлар сони тобора ортиб бораётгани қайд этилди.

– Бугунги илмий конференцияда "Глобаллашув шароитида ёшларни ёт маданият ва таҳдидлардан ҳимоялашда таълимнинг ўрни" мавзуидаги маъруза билан иштирок этдим, – дейди ЎзА мухбирига университет катта илмий ходим-изланувчиси Ё.Эрназарова. – Сир эмаски, бугун дунёнинг турли минтақаларида кечаётган мураккаб жараёнлар ёшлар тафаккурига янада катта эътибор беришни талаб этмоқда. Ўсиб келаётган авлодни ахборот хуружлари, маънавиятимизга ёт ғоялар таъсиридан ҳимоялашда буюк алломаларимизнинг бой мероси, миллий анъана ва қадриятларимиздан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Илмий-амалий анжуманнинг шўъба йиғилишларида профессор-ўқитувчилар томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари юзасидан фикр алмашилди, ютуқ ва муаммолар атрофлича таҳлил қилинди, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Профессор-ўқитувчилар томонидан яратилган янги ўқув-услубий адабиётлар тақдимоти ҳам бўлди.

Конференция доирасида Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари томонидан "Санъатда миллий қадриятлар уйғунлиги" мавзуида кўргазма ташкил этилди.

Ш.МАМАТУРОПОВА



Жамшид Норкобилов олган сурат

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ЁШЛАР – МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

Юнусобод машинасозлик касб-ҳунар коллежида ёшларни бузғунчи ғоялар ва салбий ахборотлардан ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда депутатлар, кенг жамоатчилик вакиллари ва ёшлар иштирок этди.

Юнусобод машинасозлик касб-ҳунар коллежи директори Д.Сайдамов ва бошқалар бугун жаҳонда ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун кескин кураш кетаётганини таъкидлади. Шундай бир шароитда мамлакатимиз ёшлари ҳар қандай ғоявий таҳдидларга муносиб жавоб қайтаришга тайёрлиги, яратувчилик ва бузғунчилик ғоялари ўртасидаги фарқни ажрата олишга қодир эканини намоён қилмоқда. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ушбу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштиришда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

– Бугун турли бузғунчи кучлар ва оқимлар ўз ғояларини тарқатишга уринмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Юнусобод машинасозлик касб-ҳунар коллежининг учинчи босқич ўқувчиси Шахриёр Холматов. – Бундай салбий хатти-ҳаракатлар, энг аввало, ёшларга қаратилмоқда. Тадбирда мафкуравий иммунитетимизни мустаҳкамлашимиз кераклигини янада чуқур англадик. Ҳаётда муваффақиятга эришишни мақсад қилган ҳар бир инсон таълим олиши, ўз устида мунтазам ишлаши, спорт ва санъат билан шуғулланиши лозим, деб ҳисоблайман. Маърифат, яратувчиликка интилиш – ғоявий таҳдидларга қарши энг яхши ҳимоядир.

Тадбирда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет тармоғидан самарали фойдаланиш, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш каби масалалар юзасидан фикр алмашилди.

М.ҚАРШИБОЕВ

Сўранг, жавоб берамиз

Нотариал тартибда расмийлаштириладиган ишончнома қандай ҳолларда ва қандай асосларга кўра бекор қилиниши мумкин?

Т.Юлчиев,
Яккасарой тумани

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 141-моддасига асосан, ишончноманинг амал қилиши 7 асосга кўра бекор бўлади:

– Ишончнома муддатининг тамом бўлиши;
– Ишончнома берган шахснинг уни бекор қилиши;
– Номидан ишончнома берилган юридик шахс фаолиятининг тўхтатилиши;
– Номига ишончнома берилган юридик шахс фаолиятининг тўхтатилиши;
– Ишончнома берган фуқаронинг муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб ҳисобланиши ёхуд унинг вафот этиши;
– Ишончнома олган фуқаронинг муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб ҳисобланиши ёхуд унинг вафот этган ҳолларда ишончнома бекор бўлиши белгиланган.

Гавҳар ЯКУБОВА,
Яккасарой туманидаги 2-сонли ДНИ нотариуси

* * *

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун белгиланган жарима қанча муддатда тўланиши керак. Жаримага тортилган шахс уни тўламай келаётган бўлса, мажбурий ундирув қандай тартибда амалга оширилади?

А.Маҳмудов,
Яшнобод тумани

Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодексининг 332-моддасига асосан:

Жарима ҳуқуқбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб, 15 кундан кечиктирилмай тўланиши лозим. Агар сиз жарима тўғрисидаги қарор устидан шикоят билдирган тақдирингизда ва бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки у қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай тўлов амалга оширилиши керак.

"Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодекснинг 333-моддасига биноан: Ҳуқуқбузар жаримани белгиланган муддат ичида тўламаган тақдирда, жарима солиш тўғрисидаги Қарор фуқаролик-процессуал қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган қоидаларга мувофиқ, жаримани унинг иш ҳақи ёки бошқа маошидан, нафақасидан ёки стипендиясидан мажбурий тартибда ундириб олиш учун юборилади.

Жарима Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ: Ижро ҳужжатлари бўйича ундириб олиниши мумкин бўлмаган мол-мулкдан ундириб олиниши мумкин эмаслиги белгиланган.

Ирода МУСТАФОЕВА,
Шайхонтоҳур туманидаги 7-сонли ДНИ нотариуси

* * *

Ўзим ишда бўлганлигим сабабли коммунал тўловларни тўлаш учун пластик карточкамни хотинимга ташлаб кетдим. Аммо банк ходимлари "пластик карточка эгасининг ўзи келсин" деб қабул қилишмабди. Уларнинг ҳаракати тўғрими?

З.Эргашев,
М.Улуғбек тумани

Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 30 апрелда 1344-сон билан рўйхатга олинган "Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларнинг Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 7-бандига мувофиқ:

Шахсий банк карталаридан бошқа шахслар, яъни уларнинг оила аъзолари, дўстлари ва бошқа шахслар фақат банк карточка эгасининг ишончномаси асосидагина фойдалана олишлари мумкин. Шу сабабли ишончнома ва шахсни тасдиқлайдиган ҳужжат бўлгандагина пластик карточкани унда кўрсатилган шахслар ишлата олишлари белгиланган.

Арипҳоджа АГЗАМХОДЖАЕВ,
Сергели туманидаги 7-сонли ДНИ нотариуси

* * *

Мерос қолдирувчи ўз мулкини бир эмас, бир неча яқинларига васият қилиши мумкинми? Бунда мероснинг қанча қисми қайси меросхўрга тегишли экани васиятномада белгиланиши керакми?

Ш.Латипова,
Миробод тумани

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 1120- моддасига асосан: Фуқаро ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини – вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади.

Фуқаро ўзининг барча мол-мулкини ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига киритадиган, шунингдек, кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга, юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

Мероснинг қанча қисми меросхўрга тегишлилиги васиятномада белгиланади. Меросхўрга васиятномада кўрсатилган қисмига унинг розилигисиз ҳеч ким эгалик қилишга ҳақли эмаслиги белгиланган.

Зарина САБИРОВА,
Мирзо Улуғбек туманидаги 11-сонли ДНИ нотариуси

* * *

Уй эгаси ўзига тегишли бўлган уйни сотмоқчи бўлганида, бу уйда доимий рўйхатда турувчи вояга етмаганларнинг ҳам розилиги, яъни улардан рухсат олиниши керакми?

Ё.Зокиров,
Олмазор тумани

Уйнинг эгаси ўзига тегишли уйни сотаётганида бу уйда доимий рўйхатда турувчи вояга етмаган шахсларнинг розилигини олиш шарт эмас. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 24-моддасига асосан: Кўчмас мулк никоҳ даврида олиниб, эр ёки хотиннинг бири номига расмийлаштирилган бўлса, турмуш ўртоғининг нотариал тасдиқланган розилиги олинади. Лекин хусусийлаштирилган уй-жойни олиш-сотиш шартномаси тасдиқланаётганда уй эгасининг биргаликда яшовчи вояга етган оила аъзоларининг нотариал тасдиқланган розилиги олинади.

Агар вояга етмаганларнинг ота-онаси бўлмаган тақдирда уларнинг манфаатлари васийлик ва ҳомийлик идоралари томонидан ҳимоя қилиниши белгиланган.

Шаҳло ХОДЖАЕВА,
Яшнобод туманидаги 9-сонли ДНИ нотариуси

ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Дунёнинг энг ширин меваси – фарзанд. Ҳар бир ота-она ўз зурриёдини ҳаёт йўли ойдин бўлишини истайди. Фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Эл корига ярайдиган инсон бўлиши учун яхшиларнинг этагидан тутиши уни эртами-кечми тўғри йўлга олиб чиқиши ҳақида қайғуради. Халқимиз шундай болажон халқ. Чунки, юрт эртаси мана шу ёшлар.

Бугунги кунда мамлакатимизда болаларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари тизими шакллантирилиб, "Оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлиги янада кучайтирилди. Болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати томонидан жойларда вояга етмаганлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, улар орасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, назоратсиз ва қаровсиз қолишига йўл қўймаслик, турли салбий таъсирлардан сақлаш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ташкил этишни таъминлашда жамоатчилик билан ҳамкорликда иш олиб борилаётганини таъкидлаш жоиз.

